

“Uz-Dong Won Ko”
акциядорлик жамияти
2020 йил “_____” _____даги
акциядорларининг навбатдаги йиллик
умумий йиғилиши томонидан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

**Акциядорлик жамияти шаклидаги “Uz-Dong Won Ko” Ўзбек-Корея қўшма
корхонасининг Тафтиш комиссияси тўғрисида Низом**

1. Умумий қоидалар.
2. Тафтиш комиссиясининг вазифалари ва мажбуриятлари.
3. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқ ва ваколатлари.
4. Текшириш (ревизия) ўтказиш тартиби.
5. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва ваколатини муддатидан олдин тугатиш.
6. Тафтиш комиссияси йиғилиши.
7. Тафтиш комиссияси аъзоларига рағбатлантириш миқдорини белгилаш тартиби.
8. Яқуний қоидалар

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом акциядорлик жамияти шаклидаги “Ўз-ДонгВон Компани” Ўзбек-Корея қўшма корхонасининг(матн давомида – Жамият деб номланади) Тафтиш комиссияси мақомини белгилайди ва ва унинг ишини, комиссия аъзоларни сайлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзонинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига,Корпоратив бошқарув кодекси (31.12.2015й. 9-сон) талабларига ваЖамият уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Тафтиш комиссиясиЖамият, _____ унингбўлинмаларивахизматлари, филиалваваколатхоналарифаолиятиустиданичкимолиявий-хўжалик ва ҳуқуқий назорат функцияларини бажарувчи Жамият органидир.

1.4. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятидаЎзбекистон Республикаси қонунлари, давлат бошқарув органларининг қонуности ҳужжатлари, Жамият устави, мазкур низом ва Жамиятнинг бошқа ҳужжатларига амал қилади.

2. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

2.2. Тафтиш комиссияси ўз вазифаларини бажаришда қуйидаги ишларни амалга оширади:

➤ Жамиятнинг молиявий ҳужжатларини, мулкни инвентаризация қилиш комиссиясининг ҳулосаларини текшириш, ушбу ҳужжатларни бухгалтерия ҳисобининг дастлабки маълумотлари билан таққослаш;

➤ Жамиятномидантузилганшартномаларнинг, амалгаоширилганбитимларнинг, контрагентларбиланҳисоб-китобларнингқонунийлигини текшириш;

➤ Бухгалтерия ҳисоби ва статистика ҳисобининг амалдаги меёрий ҳужжатларига мувофиқлигини таҳлил қилиш;

➤ Жамиятнинг молиявий ахволи, унинг тўлов қобилияти, активларнинг ликвидлиги, ўзлик ва қарз маблағларнинг нисбати, Жамиятнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш учун захираларни аниқлаш ва молиявий-хўжалик фаолияти масалалари бўйича Жамиятнинг бошқарув органларига тавсиялар ишлаб чиқиш;

➤ махсулот ва хизматларни етказиб берувчиларга тўловларни тўғрилиги, бюджетга тўловлар, иш ҳақи ва дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш, облигациялар бўйича фоизларни, башқа мажбуриятларни тўланишни ўз вақтида ва тўғри бажарилишини текшириш;

➤ Жамиятнинг бухгалтерия баланслари, йиллик ҳисоботи, фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот, фойда тақсимоти, солиқ инспекцияси, статистик идоралари ва давлат органлари учун ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилишларини текшириш;

➤ Жамият томонидан қимматли қоғозлар ва акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун ва меърий ҳужжатлар талабларига, шу жумладан Жамиятда аффилиланган шахслар ёки йирик битимларнинг мавжудлигини текшириш;

➤ Жамият уставига асосан Тафтиш комиссияси ваколатига кирувчи бошқа ишлар, шу жумладан акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши топшириқларига асосан.

2.3. Тафтиш комиссияси мажбур:

➤ жамият бошқарув органларининг йиғилишларида ўтказилган текширишлар натижаларини хулосалар, ёзма ҳисоботлар, билдиришномалар, хабарлар кўринишда акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, ижроия органига ўз вақтида етказиш;

➤ Жамиятни йиллик бухгалтерия ҳисоботида киритилган ва Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботида келтирилган маълумотларни ишончилигини баҳолаш;

➤ Жамиятнинг молиявий ҳолатига таъсир қилиши мумкин бўлган хатарларга ёки бошқа ҳолатларга нисбатан заифлигини баҳолаш;

➤ Жамиятнинг йиллик фаолияти яқунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини, шунингдек ҳар қандай вақтда қонун ҳужжатларига, жамият устави ва ушбу Низомга мувофиқ шахсларнинг ташаббусига асосан текшириш ўтказиш;

➤ Тижорат сирини сақлаш, тафтиш комиссияси аъзолари томонидан ўз вазифаларини бажаришда фойдалана оладиган конфедициал маълумотларни ошкор қилмаслик. Агар тафтиш комиссияси аъзолари бўлмаган шахслар тафтиш комиссияси ишига эксперт сифатида жалб қилинса, улар тижорат сирини қилишлари тўғрисида огохлантирилиши керак. Уларнинг хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик уларни текширишга жалб қилган тафтиш комиссияси аъзоларига юклатилади.

➤ акциядорларнинг Жамиятнинг бошқарув органлари ва мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

➤ Хўжалик ишлаб чиқариш, молиявий, ҳуқуқий фаолиятда аниқланган қоидабузарлик ёки жамият манфатларига реал таҳдид юзага келган ҳолларда жамиятнинг бошқарув органлари томонидан қарор қабул қилишни талаб қиладиган ҳолларда Кузатув кенгаши ёки навбатдан ташқари йиғилишни чақиришни талаб қилиш.

2.4. Текшириш ўтказишда тафтиш комиссияси аъзолари текшириш предметига тегишли барча ҳужжатлар ва материалларни синчиковлик билан текширишлари шарт. Нотўғри хулосалар учун тафтиш комиссиясининг аъзолари жавобгар бўлади, чоралар акциядорлар умумий йиғилиши ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланади.

2.5. Тафтиш комиссиялари аъзолари акциядорлар умумий йиғилишларида иштирок этишлари ва йиғилиш қатнашчиларнинг саволларига жавоб беришлари шарт.

3. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ХУҚУҚ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

3.1. Тафтиш комиссияси ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

➤ жамиятнинг ҳар қандай молиявий ҳужжатларини, шу жумладан жамиятнинг инвентаризация комиссияси ҳужжатларини текшириш, ушбу ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари билан таққослаш;

➤ бошқарув органларидан, унинг бўлинмалари ва хизматларидан, мансабдор шахслардан ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш. Кўрсатилган ҳужжатлар ва материаллар Тафтиш комиссиясига сўралган вақтдан икки кун ичида тақдим этилиши лозим;

➤ акциядорлик жамиятининг молиявий, ҳуқуқий, ишлаб чиқариш-ҳўжалик соҳаларида жиддий хатоликлар аниқланганда, жамият манфаатларига зиён етиш хавфи туғилганда тафтиш комиссияси аъзоларининг яқдиллик овозлари билан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

➤ Кузатув кенгаши йиғилишини чақиришни талаб қилиш. Кузатув кенгаши раиси Тафтиш комиссиясининг илтимосига биноат Кузатув кенгашининг йиғилишини чақиришни рад этишга ҳақли эмас;

➤ Кузатув кенгашининг исталган аъзосининг таклифига биноан унинг йиғилишларида қатнашиш;

➤ жамият томонидан қабул қилинган низомлар, қоидалар ва кўрсатмалар бузилган тақдирда жамиятнинг бошқарув органларига, унинг бўлинмалари ва хизматларига жамият ходимларининг, шу жумладан мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини қўйиш;

➤ Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ жамиятнинг молиявий ҳисоботларини эълон қилишга ўтишни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ ишида қатнашиш.

➤ қонунчиликда ва жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда тафтиш комиссиясида ишлаганлик учун тўланадиган рағбатлантириш ва (ёки) харажатлар учун компенсациялар олиш;

➤ Қонун ҳужжатларида ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

3.2. Тафтиш комиссияси аъзоси:

➤ бузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда зудлик билан ҳал қилинишини талаб қиладиган тафтиш комиссиясининг фавқулотда йиғилишини чақиришни талаб қилиш; ёзма равишда тафтиш комиссиясининг ҳулосаларидан норозилигини билдириш ва жамият акциядорлар умумий йиғилиши эътиборига етказиш ҳуқуқга эга.

4. ТАФТИШ (РЕВИЗИЯ) ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) жамиятнинг йиллик фаолияти натижалари асосида амалга оширилади.

4.2. Тафтиш комиссияси Кузатув кенгашига жамиятнинг йил якунлари бўйича молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) натижалари тўғрисидаги ўз ҳулосасини ва жамиятнинг йиллик ҳисоботида киритилган ва йиллик балансда сақланадиган маълумотларнинг ишончлигини тасдиқловчи ёки рад этувчи ҳулосани Кузатув кенгаши йиғилишида жамиятнинг йиллик ҳисоботини олдиндан тасдиқлаш тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилишидан 3 кундан кечиктирмай тақдим этади.

4.3. Жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш (аудит) қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

➤ акциядорлар умумий йиғилиши қарорига

➤ Кузатув кенгаши қарорига;

➤ жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига;

➤ Тафтиш комиссиясининг ўз ташаббусига кўра.

4.4. Режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисида қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорларнинг-йиғилишда қатнашаётган жамиятнинг овоз берувчи акцияларнинг эгаларининг оддий қўпчилик овози билан қабул

қилинади. Тафтиш комиссияси акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарорини олганидан кейин текширишни бошлайди.

4.5. Режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисида қарор Кузатув кенгаши йиғилишида қатнашган аъзоларининг кўпчилиги овоз билан, агар сиртдан (сўров орқали) овоз берилганда барча Кузатув кенгаши аъзолари томонидан қабул қилинади.

4.6. Тафтиш комиссияси аъзоси қоидабузарликларни аниқлаган тақдирда тафтиш комиссияси раисига тафтиш комиссияси томонидан хал қилиниши лозим бўлган аниқланган қоидабузарликларни ёзма тавсифини юборади.

4.7. Тафтиш комиссиясининг раиси талабномани олганидан кейин уч иш куни ичида тафтиш комиссияси йиғилишини чақириши шарт.

4.8. Тафтиш комиссияси тешириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганда, тафтиш комиссияси раиси тешириш (тафтиш) ўтказишни ташкил этиши ва уни ўтказишга кириши шарт.

4.9. Акциядорлар томонидан режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказиш учун талаблар.

4.10. Текшириш (тафтиш) ташаббускори бўлган акциядорлар Тафтиш комиссиясига ёзма сўров юбордилар, унда қуйидагилар бўлиши керак:

- акциядорнинг Ф.И.Ш (номи);
- уларга тегишли акциялар тўғрисида маълумот (сони, тури, тоифаси);
- ушбу талабнинг асослилигини.

4.11. Талабнома акциядор ёки унинг ишончли ваки томонидан имзоланади. Агар талабнома унинг ишончли вакили томонидан имзоланса унда ишончнома илова қилинади.

4.12. Агар ташаббус акциядорлар-юримдик шахслар томонидан бўлса, юримдик шахсининг уставига мувофиқ унинг ишончномасиз иш юритаётган вакилнинг имзоси ушбу юримдик шахсининг мухри билан тасдиқланади. Агар талабномага унинг номидан ишончли вакил томонидан ишлайдиган юримдик шахс вакили имзо қўйган бўлса, талабномага ишончнома илова қилинади.

4.13. Ташаббускорининг текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисидаги талабномаси тафтиш комиссияси раиси номига буюртма хат орқали топширилганлиги тўғрисида хабарнома билан ёки жамият девонхонасига топширилади.

4.14. Талабномани тақдим этиш санаси уни етказиб берилганлиги ёки жамият девонхонасига топширилганлиги санаси бўйича белгиланади.

4.15. Тафтиш комиссияси талабнома тақдим этилган санадан бошлаб 10 иш куни ичида жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) ўтказиш ёки текширишни ўтказишни рад этиш тўғрисида асосли қарор қабул қилиши керак.

4.16. Текширишни (тафтишни) рад этиш Тафтиш комиссияси томонидан қуйидаги ҳолларда берилиши мумкин:

- талабни қўйган акциядорлар талаб қилинган кунда умумий йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқини берадиган зарур миқдордаги овоз берувчи акцияларнинг эгалари эмас;
- даъво ташаббускорлари акциядорлар реестрида рўйхатдан ўтмаган ёки тегишўли акциядорларнинг вакиллик ваколатларига эга бўлмаган шахслар;
- талабномада текшириш (тафтиш) ўтказиш сабаби кўрсатилмаган;
- текшириш (тафтиш) ўтказиш учун асос бўлсан сабаблар бўйича текшириш (тафтиш) ўтказилганлиги ва ҳулосалар тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланганлиги;
- талабномада тўлиқ маълумотлар кўрсатилмаганлиги;
- Талабнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ёки жамият уставига мос келмаса.

4.17. Тафтиш комиссияси аъзолари текширишни (тафтишни) ўтказишда текширув предметига тегишли барча мавжуд ва олинган ҳужжатларни ва материалларни ўрганишлари шарт.

4.18. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижаларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларидан келиб чиқиб хулоса тузади, унда қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

➤ хисоботлар ва жамиятнинг бошқа молиявий ҳужжатларидаги маълумотларнинг ишончлилиги баҳоси;

➤ бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш, шунингдек молиявий -хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

4.19. Ушбу хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

4.20. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) ташаббускорлари исталган вақтда Тафтиш комиссияси текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишидан олдин, ёзма равишда ўзининг талабносасини қайтариб олишга ҳақли.

4.21. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

5. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ВА ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ТУГАТИШ

5.1. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясига номзодларни кўрсатиш бўйича таклифларни тақдим этиш, Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамияти ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63 ва 75 моддаларига асосан амалга оширилади.

5.2. Тафтиш комиссиясига номзодларни кўрсатиш тўғрисида таклиф ёзма равишда Жамиятнинг манзилига буюртма хат юборилади ёки Жамият девонхонасига топширилади.

5.3. Тафлифларни киритиш санаси почта жўнатмаси санаси ёки жамият девонхонасига топширилган санаси бўйича аниқланади.

5.4. Таклиф акциядор ёки унинг вакили томонидан имзоланади, агар таклиф ишончли вакил томонидан имзоланса, у ҳолда ишончнома илова қилинади.

5.5. Агар ташаббус акциядор-юримдик шахс томонидан чиққан бўлса, юримдик шахснинг уставига мувофиқ унинг ишончномасиз иш юритаётган вакилнинг имзоси ушбу юримдик шахснинг муҳри билан тасдиқланади. Агар талабнома юримдик шахс номидан ишончномага асосан унинг ишончли вакили томонидан имзоланган бўлса, талабномага ишончнома илова қилинади.

5.6. Тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат бўлган акциядорлар умумий йиғилиши томонидан, йиғилишда қатнашган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилиги (оддий кўпчилиги) овози билан сайланади. Жамият тафтишчиси ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айна шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас. Айна бир шахс айна бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

5.7. Тафтиш комиссияси ўз аъзолари орасидан раис ва котибини сайлайди. Тафтиш комиссиясининг раиси ва котиби Тафтиш комиссиясининг мажлисида комиссиянинг сайланган аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан сайланади.

5.8. Тафтиш комиссияси исталган вақтда унинг раиси ва котибини комиссиянинг сайланган аъзоларининг кўпчилиги овози билан қайта сайлаш ҳуқуқига эга, бунда Тафтиш комиссиясидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

5.9. Тафтиш комиссияси аъзоси исталган вақтда Тафтиш комиссияси ва Кузатув кенгашини тафтиш комиссиясида фаолиятини тугатишдан бир ой олдин ёзма равишда

хабардор қилиб унинг таркибидан чиқиб кетишга ҳақли. Бундай ҳолатда, акциядорлар умумий йиғилиши кейинги йиғилишда тафтиш комиссияси аъзосини алмаштиради.

5.10. тафтиш комиссиясининг алоҳида аъзоси ёки бутун таркиби ваколатлари қуйидаги сабабларга кўра йиғилишда иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан тугатилиши мумкин:

➤ узрсиз сабабларга кўра 3 мартадан ортиқ тафтиш комиссияси ишларида иштирок этмаслик;

➤ тафтиш комиссияси аъзолари (аъзоси) текшириш давомида текшириш предметига таълуқли бўлган ҳужжатлар ва материалларни етарлича ўрганилмаганлиги натижасида Жамият Тафтиш комиссияси томонидан нотўғри хулоса берилишига олиш келиши;

➤ тафтиш комиссияси ёки алоҳида аъзоларининг ушбу Низом бандларини тўлиқ бажармаганлиги;

➤ Тафтиш комиссияси аъзоларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамият учун ноҳуш оқибатларга олиб келиши.

5.11. Агар тафтиш комиссияси аъзоларининг сони жамият Уставида ва ушбу Низомда назарда тутилган сонидан камайиб кетса, Кузатув кенгаши тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши чақиришини чақириши шарт.

5.12. Тафтиш комиссияси ваколатлари муддатидан олдин тугатилганг тақдирда, тафтиш комиссиясининг янги сайланган аъзоларининг ваколатлари акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши томонидан тафтиш комиссияси сайлангунга қадар амал қилади.

5.13. Агар навбатдан ташқари умумий йиғилиши тафтиш комиссиясининг бутун таркибини ёки унинг алоҳида аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиши натижасида унинг таркиби сони сайланган таркибнинг ярмидан кам бўлса, унда ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда Кузатув кенгаши кун тартибида тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш масаласи билан навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиши чақириш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

5.14. Тафтиш комиссиясига номзодлар бўйича таклифлар қонун ҳужжатларига ва жамият Уставига асосан Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига номзодлар кўрсатишга ҳақли бўлган акциядорлар томонидан киритилиши мумкин.

6. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

6.1. Тафтиш комиссияси барча масалаларни ўз йиғилишларида ҳал қилади. Тафтиш комиссияси йиғилишлари тасдиқланган режа мувофиқ, шунингдек тафтиш ёки текшириш бошланишдан олдин ва уларнинг натижаларига кўра ўтказилади.

6.2. Тафтиш комиссиясининг мажлиси, агар унда камида учдан икки қимси аъзолари иштирок этса ваколатли ҳисобланади. Тафтиш комиссиясининг барча мажлислари иштирок этган ҳолда ўтказилади.

6.3. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосалари мажлисда иштирок этганларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар тенг бўлган тақдирда тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

6.4. Тафтиш комиссияси аъзолари комиссия қароридан нарози бўлган тақдирда йиғилиш қароридан ўз фикрларини баён этиши ва Кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилишига етказиш ҳуқуқига эган.

6.5. Тафтиш комиссияси раиси:

➤ йиғилишларни чақиради ва ўтказди;

➤ тафтиш комиссиясининг жорий ишини ташкиллаштиради;

➤ Кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилишларида унинг номидан ифодалайди;

➤ унинг номидан чиқаётган хужжатларни имзолайди. Раис бўлмаган тақдирда унинг вазифаларини тафтиш комиссиясининг йиғилишида қатнашаётган кўпчилик аъзоларининг қарори билан тафтиш комиссияси аъзоларидан бири бажаради.

6.6. Тафтиш комиссияси котиби:

➤ Унинг йиғилиш баённомаларини юритишни ташкиллаштиради;

➤ Тафтиш комиссияси далолатномалари ва хулосаларини тегишли эгаларига еткази.

7. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИГА РАЎБАТЛАНТИРИШ МИҚДОРINI БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ.

7.1. Тафтиш комиссияси аъзоларига улар ўз вазифаларини бажарганликлари ва ҳисоботлар (хулосалар) тақдим этганликлари учун қонун хужжатларида ва ушбу Низомда белгиланган ҳақ (раўбатлантириш) тўланади.

7.2. Тафтиш комиссияси ишининг натижалари ва ҳисоботлари (хулосалар) тақдим этилиши тафтиш комиссияси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдорини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

7.3. Раўбатлантириш миқдори (тафтиш комиссиясининг 1 аъзосига 1 календар ой учун) базавий ҳисоблаш миқдорининг ___ баробарида белгиланади ва ҳар чоракда тўланади.

7.4. Тафтиш комиссиялари хулосаларихар чоракда Кузатув кенгашига тақдим этилмаган тақдирда, ҳақ (раўбатлантириш) тўланмайди. Бунда, тафтиш комиссияси раисига тафтиш комиссияси аъзосига тўланадиган сумманинг 1,1 барабаридан кўп бўлмаган миқдорида тўланадиган ҳақ учун қўшимча коэффицент белгиланади.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Низомга қўшимча ва ўзгатиришлар акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан тасдиқланади.

8.2. Низомга қўшимча ва ўзгатиришлар киритиш бўйича таклифлар Жамият Кузатув кенгаши ва Ижроия органи раҳбари таклифига асосан киритилади.

8.3. Агар ушбу Низомнинг алоҳида моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Низомига ҳилоф бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва бу моддаларда берилган ҳолатлар бўйича ушбу Низомга тегишли ўзгаришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Низомига асосан амал қилиниши зарур.